
Ўқув амалий семинар ўтказилди

Бугун Ўзбекистон тумани ҳокимлиги мажлислар залида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари учун ўқув амалий семинари ўтказилди.

Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинарда бошқарма бошлиғи Э.Асронқулов, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сатторов ҳамда 75 та МФЙларнинг масъул ходимлари иштирок этди.



2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарорига асосан болалар пули ва моддий ёрдам нафақаси тайинлаш тартиби бўйича кенг қамровли тушунтириш тарғибот ишлари амалга оширилди.



МФЙ фаоллари кун тартибидаги масала юзасидан ўзларининг қизиқтирган саволларига билан соҳа мутахассисларидан етарли жавоблар олишди.

Қайд этилишича, бу каби семинарлар вилоятнинг барча ҳудудларида ташкил этилиши белгиланган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-11-17 21:09:33